

**Яркинова Барчиной Баргиевна**

*Анджон иқтисодиёт ва педагогика  
университети Педагогика ва тилларни  
ўқитиш кафедраси мудири, ф.ф.н.*

*T.: +998916118441, yarkinovabarchinoy@gmail.com*

**Аннотация:** *Мақолада яқин туркий тиллардан таржимада этнопсихологик ва психоэстетик омилларнинг акс этиши ва туркий халқлар турмуш тарзидаги муштарак жиҳатлар ва ўзига хосликларни таржима тилида қайта яратишнинг хоссалари таҳлилга тортилган. Шунингдек, маиший тушунчаларни акс эттирадиган сўзларнинг таржимада қандай берилганлиги хусусида фикр юритилган.*

**Калит сўз ва иборалар:** *этнопсихология, психоэстетика, эпик ижод, тарихий муштараклик, бадиий ассоциация, таржима тили, лисоний воситалар*

Гарчи тафаккур қонуниятлари умумий бўлса-да, ҳар бир халқ, ҳар бир уруғ ва элатнинг узоқ давом этган тарихий тараққиёти давомида шаклланган психологияси ва унинг асосида юзага келган миллий-эстетик дунёқараши бўлиши фанда кўп олимлар томонидан қайд этилган.

Шу билан бирга, мазкур хоссалар ҳар бир халқда мутлақо ўзига хос ва бошқа ҳеч бир элнинг этнопсихологияси ҳамда психоэстетик қарашларига ҳеч бир ўхшамаган тарзда бўлади, деб тушуниш ҳам хато бўлар эди. Тарихий муштараклик, бир географик муҳитда узоқ даврлардан бери ёнма-ён яшаш, бир хил ёки ўхшаш турмуш тарзи, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларнинг интенсивлик даражаси ҳам уларнинг ўзига хослигига катта таъсир ўтказди. Бу таъсирнинг даражаси эса юқорида санаб ўтилган омиллар бу муштаракликда қай даражада ва қанча узоқ давом этганига қараб, турли даражада бўлади.

Ўзбеклар ва қирғизлар қадим-қадимдан ёнма-ён яшаб келадилар. Уларнинг турмуш тарзи ва маданияти ҳам бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган.

Халқларимизнинг маънавий яқдиллиги, ягона тарихий йўл ва тақдиримиз, қўшничилик, урф-одат, ҳатто касб-коримизнинг ўхшашлиги кўпинча шунга олиб келдики, адибларимиз ўз ижодларида ўзаро ўхшаш мавзуларга ҳам қўл уриб, муштарак муаммоларни кўтардилар. Тарихий мавзуга бағишланган изланишларда ҳам ўхшаш муаммолар, муштарак тажриба ва бир хил қийинчиликлару ташвишлар бор.

Бир маконда, муштарак аънаналар асосида яшагани туфайли бу икки халқ нафақат ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари, балки маънавий-ахлоқий қадриятлари, феъл-атвори, ташқи кўриниши, ифбат-ҳаёси, инсоний муносабатлари жиҳатидан ҳам

ўзаро бир-бирига яқин. Чунончи, қирғиз ёшлари Ойзода билан Темир ўртасида муҳаббат туғилишига сабаб бўлган қўйидаги парча айна пайтда ўзбекона ҳамдир:

*Корктуу кыз карлыгач канат каштарын керип, улбуроп, биртике кылыксына жигитке аста серп таштап алып, кесеге анча да жуткунбой, озун сыпаа тутуп, акырын колун узатты. Уздай билек агарып коруно, кош кумуш билериктери шын дей тушту. Темирдин журугу алып учту. Кыздын бир да сепкили жок, жумуртканын агындай найин жузунон коз алалбады. Кыз кесени ала берейин дегенде, ал кыздын бир салаасынын учун кесенин тубуно кошо кармады. Кыздын ак жузуно кан толкуп кетти, кара коздорун молтуротуп, алдында дал болуп турган кен кокурок чытыраган кызыл жигитти тан калып бир тиктеп алды. Темир колун акырын бошотту. Кыз сыр бербей кымызды алып, бир кылк этти да кайра сунду [Т.Касымбеков,1998:334].*

Таржимаси:

*Қиз қалдирғоч қанотидай қайрилма қошларини кериб, йигитга зимдан боқди, ўзини сипо тутиб, косага оҳиста қўл узатди. Момиқдай оппоқ билагидаги кумуш билагузуклар жиринглаб кетди. Темирнинг юраги жиз этди. Қизнинг тухум оқидай ғуборсиз юзидан кўз узолмади. У косани олаётганида қизнинг бир бармоғи учини косага қўшиб ушлади. Қизнинг оппоқ юзлари қизариб кетди, олдида турган кенг яғринли, қора кўзли йигитга ҳайрон бўлиб тикилди. Темир қиз бармоғини секин бўшатди. Қиз сир бермай, қимиздан бир ҳўплади-ю, йигитга косани узатди [Т.Қосимбеков,1980:139].*

Кўчманчи турмуш тарзи ўзбекларга ҳам ёт эмас. Бундан атиги бир аср муқаддам ўзбекларнинг чорвадорлик билан шуғулланган уруғларидаги урф-одатлар юқоридаги парчада тасвир этилганидан деярли фарқ қилмаган. Бинобарин, айна тасвирдаги ҳолат ўзбеклар учун ҳам айнан қирғизлар билан бир хил ассоциация қўзғотади. Бадиий ассоциациянинг муштараклиги асосий мақсад эмас, ҳали. Гап шундаки, ана шундай бир хил ёки яқин ассоциация қўзғайдиган жиҳатлар асарда қанчалик кўп бўлса, асарнинг «таржима» эмас, ватан адабиёти ҳодисасига айланиши учун имконият шунчалик кўпаяди.

Таржимоннинг маҳорати шундаки, Ойзода ва Темир образларини ўзбек китобхонининг кўз ўнгида яққол гавдалантиришга эриша олган. Уларнинг пок ҳис-туйғулари, аҳволи, кайфияти маҳорат билан ўгирилган.

«Синган қилич» романи теран миллий колорит билан суғорилган. Образлар характерида ҳам, асардаги пейзаж тасвирида ва асар тилида ҳам миллий колорит барқ уриб туради. Айна жиҳатдан, у Белинский таъбири билан айтганда, «тасвирлар билан эмас», балки картиналар ва образлар билан сўзлайдиган тарихий романнинг ёрқин намунасидир.

Маълумки, бирор халққа хос ва мансуб бўлган предмет, тушунча ҳамда ҳодисаларни ифодалайдиган сўзлар персонажларнинг миллий-маънавий ҳаётини реал, миллий шаклда баён қилиш имкониятини беради, бошқача айтганда, бу сўзлар

бадий асарнинг миллий хусусиятини белгилайдиган асосий воситалардан ҳисобланади. «Халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган бундай сўзларни таржимада адекват талқин этиш аслият миллий хусусиятини ўзга тилда қайта тиклашдек мураккаб муаммонинг энг масъулиятли ва ўта мушкул масалаларидан биридир. Чунки бундай ҳолда таржимон олдида ўз халқи учун нотаниш, бинобарин, номлари она тилида мавжуд бўлмаган предмет, тушунча ва ҳодисаларни китобхонларга тўла-тўқис етказиб бериш, яхши англатиш вазифаси кўндаланг туради» [Мусаев,1976:131].

Мавжуд илмий адабиётларда миллий турмуш тушунчаларини англатадиган лексик бирликларни қандай синалган йўллари воситасида талқин этиш лозимлиги тўғрисида ягона фикр учрамайди. Таржима ижодий жараён бўлганлиги сабабли бундай фикрнинг учрамаслиги табиий, албатта. Бироқ баён этилган илмий-танқидий мулоҳаза ва хулосалар таржимоннинг у ёки бу конкрет ҳолатда қандай йўл тутиши лозимлиги ҳақидаги умумий тасаввурларини бойитиб, унинг амалиётда юз бериши мумкин бўлган ҳар хил тасодифий тўсиқларни бартараф этишига кўмаклашади, унда амалий мушкулотларни моҳирона енгиш малакасини пайдо қилади.

Биз қуйида маиший тушунчаларни акс эттирадиган сўзларнинг таржимада қандай берилганлиги хусусида фикр юритамиз.

Маълумки, малакали таржимон аксарият ҳолларда маиший тушунчаларни англатадиган сўзларнинг вазифаларини қайта тиклашга алоҳида эътибор беради. Бу эса санъаткорни аслиятдаги бирликларни асоссиз равишда таржима матнига ўзича кўчириш ёки мумкин бўлмаган тақдирда ҳам уларни таржима тили мансуб бўлган халқ турмушига оид тушунчаларни акс эттирадиган сўзлар билан алмаштириш воситасида аслиятни ўта миллийлаштириб қўйиш хавфидан сақлаб қолади. Амалий-маиший тушунчаларни англатадиган сўзларни бошқа тилда талқин этиш жараёнида уларнинг муайян контекстда ўтаб келаётган услубий вазифаларини аниқлаган ҳолда, таржима тилида уларга ҳар жиҳатдан мос, айна пайтда шу тил меъёр ва маданияти ҳазм қиладиган даражадаги лисоний воситалар танлаш зарурати туғилади.

Миллий тушунчаларни акс эттирадиган сўзларнинг баъзилари аслият мансуб бўлган тилдан ташқари, яна қатор халқлар тилларида, жумладан, таржима тилида ҳам учраши, аниқроғи, таржима тили луғат бойлигининг ҳам таркибий қисми ҳисобланиши мумкин. Бундай сўзлар, тил, ҳудуд ёки турмуш, шароит жиҳатларидан бир-бирига яқин, доимий ёки тез-тез муносабат-мулоқотда бўлиб турадиган, диний эътиқодлари бир хил халқлар тилларида кўпроқ учрайди. «Синган қилич» романидаги ўзбек ва қирғизлар учун умумий бўлган жуда кўп миллий бўёқли сўзлар фикримизнинг далилидир. Масалан, ўзбек ва қирғиз халқлари «тақсир» сўзини бир хилда қўллайдилар. Бирорта мартабали зотга нисбатан ҳурмат ёки кесатиқ маъносида ишлатиладиган бу сўзга қуйидаги мисолларни келтириш ўринлидир.

- *Ошондой го, тақсыр, бу капырдын ою!* - *деди акырын*  
[Т.Қасимбеков,1980:179]..

Таржимада:

- *Бу копирнинг фикру ўйи шундай шекилли, тақсир! – деди* [Т.Қосимбеков,1980:10].

Шунингдек, миллий тушунчалар ифодаси учун қўлланиладиган сўзларнинг кўпчилиги, бошқа тилларда шундай маъноларни айнан қоплай оладиган тил воситаларининг йўқлиги, бироқ уларнинг ўзга тилларда ҳам ишлатилишига эҳтиёж сезилиши туфайли, қатор тиллар луғат таркибига сингиб, халқаро фазилат касб этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Касымбеков Т. Эки томдук тандалган чыгармалар. – Фрунзе, 1998. – Б.665 .
2. Қосимбеков Т. Синган қилич. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б.382.
- 3.Мусаев С. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. – Т.: 1976. – Б. 131.
4. Айтматов Ч. Переводы, далёкие от оригинала // Сов. Киргизия, 1953.
5. Актуальные проблемы теории художественного перевода. – М.: Наука, 1967.С.369 с.
3. Алимов П. Проблемы характера в современном узбекском историческом романе: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1970. – С.25
4. Антокольский П.Г. Черный хлеб мастерства // Мастерство перевода. –М., 1964. – С. 58.